



«СОВРЕМЕННАЯ ПСИХОЛОГИЯ И ПЕДАГОГИКА: ПРОБЛЕМЫ, АНАЛИЗ И РЕЗУЛЬТАТЫ»

Сборник материалов международной научно-рецензируемой онлайн конференции

www.e-science.uz



20 июля 2020 года

Введение

В настоящем сборнике представлены труды международной научно-рецензируемой конференции «**Современная психология и педагогика: проблемы, анализ и результаты**»

В Республике Узбекистан **вопросы развития вузовской науки в тесном взаимодействии с образовательным процессом, обеспечения интеграции образования, науки и производства на всех этапах, являются важнейшим аспектом** подготовки современных высококвалифицированных кадров.

Целью данной конференции является повышение уровня и качества научно-исследовательских работ, проводимых специалистами педагогической и психологической сферы Республики Узбекистан и содействовать внедрению их результатов в производство, а также установлению научных контактов между отечественными и зарубежными учеными.

В соответствии с направлениями работы конференции, сборник состоит из четырех частей:

Часть I: Влияние современных образовательных реформ на психическое развитие личности.

Часть II: Социально-психологические механизмы формирования здорового образа жизни.

Часть III: Тенденции повышения качества образования в контексте модернизации образования.

Часть IV: Современные подходы к совершенствованию непрерывного образования.

Решением председателя Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № 281/11.2 от 30 июня 2020 года, материалы опубликованные в сборнике трудов конференции будут приравнены к статусу международных статей.

Содержание

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ 4

Часть IV

“СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ”

СМЕШАННОЕ ОБУЧЕНИЕ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК НЕРОДНОМУ:
ПРЕИМУЩЕСТВА И ПЕРСПЕКТИВЫ 6

Маркова Е.М.

РОЛЬ НАРОДНЫХ ТРАДИЦИЙ В СОЦИОКУЛЬТУРНОМ РАЗВИТИИ
СТУДЕНТОВ 13

Рузметова Н.В.

ФУНКЦИОНАЛ АНАЛИЗ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АЙРИМ
ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР 20

Расулов Т.Х., Умарова У.У.

МУЛОҲАЗАЛАР ВА УЛАР УСТИДА АМАЛЛАР МАВЗУСИНИ
«КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ» МЕТОДИ ЁРДАМИДА ЎҚИТИШ 27

Умарова У.У.

USING HUMOUR AS A MODERN APPROACH TO ENHANCE FOREIGN
LANGUAGE LEARNING IN HIGHER EDUCATION: IN EXAMPLE OF
TEACHING ENGLISH 33

Kholmatov A.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ВА ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТНИНГ УЙҒУНЛИГИ 40

Муталипова М.Ж.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ 46

Тожибоева Х.М.

МАҲОРАТЛИ БОКСЧИ АЁЛЛАРНИНГ ЮКЛАМА ЗОНАЛАРИ
КОРРЕЛЯЦИЯСИНИ ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИ 54

Алимова Д.А.

ЗНАЧЕНИЕ МЕТОДОВ ОЦЕНКИ ДОСТОВЕРНОСТИ РЕЗУЛЬТАТОВ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В СПОРТЕ 59

Акбаров А.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КИТОБХОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ 64

Муминова Д.Р.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК
КЎНИКМАЛАРИНИ САМАРАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ 70

Мақсудов У.Қ.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАЛАР
СИФАТИ –ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ОМИЛИ 77

Ўринов А.А.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДАН
ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ 87

Ўринова Н.М.

МУЛОҲАЗАЛАР ВА УЛАР УСТИДА АМАЛЛАР МАВЗУСИНИ «КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ» МЕТОДИ ЁРДАМИДА ЎҚИТИШ

Умарова Умида Умаровна

Бухоро давлат университети Математика

кафедраси катта ўқитувчиси,

тел.: +998-99-709-57-80,

umida.umarova.2019@mail.ru.

Аннотация: Ушбу мақолада “Дискрет математика ва математик логика” фанининг “Мулоҳазалар ва улар устида амаллар” мавзусини “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи мозаика модели ёрдамида ўқитиш методикаси келтирилган. Методнинг ютуқлари келтирилиб, унинг “Мулоҳазалар ва улар устида амаллар” мавзуси бўйича маъруза машғулотида тадбиқ қилиниши баён қилинган.

Калит сўзлар: таълим оловчи, ўқитувчи, интерфаол метод, “кичик гуруҳларда ишлаш”, гуруҳ, мулоҳаза.

Аннотация: В данной статье приведена методика обучения темы “Высказывание и действия над ними” по предмету “Дискретной математики и математической логики” с использованием метода “Работы в малых группах” с мозаичной модели. Приведены достижения метода и описано его применение в лекции «Высказывание и действия над ними».

Ключевые слова: ученик, учитель, интерактивный метод, «работа в малых группах», группа, рецензия.

Annotation: In this paper the issue of teaching the subject of “Discrete mathematics and mathematical logic”, teaching topics of “Expression and operations on them” using the method of “work in small groups” with a mosaic model. The achievements of the method are presented and its application is described

in the lecture “Expression and operations on them”.

Key words: *learner, teacher, interactive method, “working in small groups”, group, review.*

Бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, таълим мазмунини такомиллаштиришга оид қабул қилинган ҳукумат қарорлари, таълимни ҳаёт билан боғлашни, ўқитиш самарадорлигини оширишни, тез тараққий этиб бораётган жамият учун ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб этиштиришни талаб қилади. Бу ўринда таълим жараёнига янги педагогик технологияларнинг кириб келиши ва қўлланиши давр талаби билан бевосита боғлиқдир.

Маълумки, янги педагогик технология таълимнинг аниқ мақсадга йўналтирилган шакли, усули ва воситаларининг маҳсулидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда ўқитувчи дарс жараёнида фақат ўзи ишлайди, талабалар эса кузатувчи бўлиб қолаверадилар. Таълимнинг бундай кўриниши талабаларнинг ақлий тафаккурини ўстирмайди, фаоллигини оширмайди, таълим жараёнидаги ижодий фаолиятини сўндиради.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методи таълим олувчиларни биргаликда ишлашга ўрганиш нақадар муҳим эканлигини тушунишга ёрдам беради. Чунки таълим олувчиларнинг бир-бирларига ижобий таъсири бутун гуруҳнинг билим олиши жараёнини оптималлаштиришга хизмат қилади. Тадқиқотчи олимларнинг фикрига кўра бу метод билан ўқув машғулотларини ташкил этиш анъанавий шаклда ўқув машғулотларини ўтиш методларига қараганда анча самаралидир. Изланишлар яна шуни кўрсатадики, таълим олувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқув машғулотлари ўтишни ташкил этишнинг ўзи етарли эмас. Кутилган натижага эришиш учун яна икки компонент: гуруҳни рағбатлантириш ва шахсий масъулиятни ҳис қилиш механизми ҳамда уни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш керак бўлади. Агарда гуруҳ миқёсида рағбатлантириш

етарли бўлмаса, гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларининг ўтилатган ўқув машғулотларини ўзлаштиришига унча аҳамият бермай кўядилар. Кичик гуруҳларга бўлиниб, ўқув машғулотларини ўтиш методининг бир нечта вариантлари ёки моделлари мавжуд. Улардан биринчиси гуруҳларнинг ўқув материални ўзлаштириш натижасини яхшилашга қаратилган. Бунда ўқитувчи бирон-бир мавзу ёки мавзунинг режасини қисқача тушунтириб, таълим олувчиларга топшириқ беради. Топшириқ масала-машқ, савол-жавоб ёки бошқа шакллардаги назорат иши бўлиши мумкин. Сўнгра топшириқ кичик гуруҳлар ичида муҳокама қилинади. Кейин ўрганилган мавзу бўйича ҳар бир кичик гуруҳ аъзоси индивидуал тарзда назорат иши ёзади. Ҳар бир таълим олувчининг олган баллари қўшилиб, умумий гуруҳ бали чиқарилади ва тўпланади. Шу тариқа гуруҳларнинг олган ўринлари аниқланади. Тўпланган балларга кўра гуруҳлар ва фаол иштирок этган кичик гуруҳ аъзолари рағбатлантирилади. Иккинчи моделда назорат иши эмас, балки мустақил мусобақа ўтказилади. Бунда гуруҳ аъзолари бошқа гуруҳ аъзолари билан мусобақалашиб баллар тўплашади. Учинчи модель мозаика модели деб аталади. Бу модель кўпроқ катта гуруҳларда қўлланилгани маъқул [1].

Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси “Мулоҳазалар ва улар устида амаллар” мавзуси мисолида тушунтирамиз. Айтайлик, гуруҳ 25 нафар таълим олувчидан иборат. Ўқитувчи таълим олувчиларни 5 нафардан 5 та кичик гуруҳга бўлади, яъни А, Б, В, Г, Д гуруҳлар. Биринчи гуруҳ А, ундаги таълим олувчилар А1, А2, А3, А4, А5; иккинчи гуруҳ Б, ундаги таълим олувчилар Б1, Б2, Б3, Б4, Б5; ва ҳоказо тарзида бўлинади. Ҳар бир таълим олувчи ўзининг рақами бўйича асосий гуруҳидан, яъни ҳарф бўйича ўқув материалнинг маълум қисми ёки саволини ўрганиш бўйича топшириқ олади. А гуруҳига “Мулоҳазанинг инкори”, Б гуруҳига “Мулоҳазанинг конъюнкцияси”, В гуруҳига “Мулоҳазанинг дизъюнкцияси”, Г гуруҳига “Мулоҳазанинг импликацияси”, Д гуруҳига “Мулоҳазанинг эквивалентлиги”. Материал тўлиқ ўзлаштирилиши учун вақт берилади. Сўнгра мутахассислар гуруҳида (рақамлар бўйича) барча 1

ёки 2 ва ҳоказо рақамлар асосида янги гуруҳ ташкил қилинади, яъни, мутахассислар гуруҳи А1, Б1, В1, Г1, Д1; иккинчи гуруҳ А2, Б2, В2, Г2, Д2; ва ҳоказо тарзда янги гуруҳ ҳосил бўлади. Ҳар бир асосий гуруҳдан бир ҳил рақамдаги, лекин ҳарфи турли гуруҳ аъзолари тўпланиб, ўзларига берилган савол ёки ўқув-топшириғини муҳокама қиладилар. Сўнгра ҳар ким экспертлар гуруҳидан ўзининг асосий гуруҳига қайтади. Ҳар бир кичик гуруҳчага мавзуга оид тарқатмали материаллардан топшириқлар тарқатилади, уларнинг ҳар бирида масала-машқлар (шундай танланиши керакки, унда барча амаллар қатнашиши шарт) берилади. Масалан: 1-кичик гуруҳ топшириғи:

$$F(P, Q) = (((P \vee Q) \wedge \neg P) \rightarrow (P \leftrightarrow Q))$$

2-кичик гуруҳ топшириғи: $F(P, Q) = (((P \rightarrow Q) \wedge P) \vee (P \leftrightarrow \neg Q))$

3-кичик гуруҳ топшириғи: $F(P, Q) = (((P \rightarrow Q) \wedge P) \vee (\neg P \leftrightarrow Q))$

4-кичик гуруҳ топшириғи: $F(P, Q) = (((P \leftrightarrow Q) \wedge P) \vee (P \rightarrow \neg Q))$

5-кичик гуруҳ топшириғи: $F(P, Q) = ((P \rightarrow (Q \wedge P)) \vee \neg(P \leftrightarrow Q))$ -чинлик жадвали тузилсин.

Барча гуруҳларга тегишли кўрсатмалар берилади, йўналтирилади ва топшириқни бажариш учун вақт берилади. Вақт тугагач гуруҳларнинг жавоблари (чинлик жадвали) тақдим этилади, муҳокама ва таҳлил қилинади. Чинлик жадвалининг ҳар бир устуни ва натижаси текширилиб чиқилади.

Масалан: 1-кичик гуруҳнинг жавоби- $F(P, Q) = (((P \vee Q) \wedge \neg P) \rightarrow (P \leftrightarrow Q))$ нинг чинлик жадвали қуйидагича бўлиши керак:

P	Q	$\neg P$	$P \vee Q$	$(P \vee Q) \wedge \neg P$	$P \leftrightarrow Q$	$F(P, Q)$
0	0	1	0	0	1	1
0	1	1	1	1	0	0
1	0	0	1	0	0	1
1	1	0	1	0	1	1

Агар бирор устунда хато топилса, шу устундаги амал аниқланиб, амални тушунтирган эксперт гуруҳдан балл айирилади ва ҳамма баҳоланади.

Гуруҳни кичик гуруҳларга бўлиб ишлаш мақсадга мувофиқ, чунки:

- ўзаро ахборот алмашинувини мунтазам амалга оширилади;

- гоё ва фикрларни йиғиш ва ўртоқлашиш таъминланади. Гуруҳда ишлаш индивидуал ишлашга қараганда яхши натижа беради. Сабаби:

- гуруҳда ахборот диапазони кенг, чунки, ҳар бир таълим олувчи озми-кўпми маълум ахборотга эга;

- ҳамкорлик натижасида гуруҳдаги фаол таълим олувчиларнинг таъсири туфайли суёт таълим олувчиларнинг ҳам фаоллиги ортиши мумкин;

- кўпгина таклиф, фикрлар ўзаро танқид натижасида сараланади. Гуруҳ билан ишлаш ўқитишнинг ижтимоий методи сифатида таълим олувчиларнинг билимдон бўлишига қаратилади. Уни моҳирлик билан қўллаш эса мақсадга эришишга олиб келади. Методни самарали қўллаш натижасида:

- гуруҳ билан биргаликда ишлаш шакллари ўрганилади;

- таълим олувчиларда бир-бирларига бўлган ҳурмат, ишонч туйғулари ошади;

- нутқ сўзлаш, ўз фикрини асослаб бериш ва ҳимояланишга бўлган қобилияти ортади;

- мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечишга оид иштиёқи шаклланади;

- ўрганиш, ишлашга бўлган кўникма ва малакалар ҳосил бўлади ва бошқалар [1]. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, «Кичик гуруҳларда ишлаш» интерфаол методини дарсда юқорида берилган тартибда қўллай олишимиз учун гуруҳларга ажратилган мавзу қисмлари ўзаро боғлиқ бўлмаслиги, яъни биринчи қисмни ўзлаштирмай туриб, иккинчи ёки учинчи қисмларни ўзлаштира олиб билиши мумкин бўлган мавзулар танланиши лозим. Барча хусусиятларни инобатга олиб шуни айтиш мумкинки, интерфаол методлардан фойдаланиш [2-6] таълим самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сарсенбаева Р.М. “Иқтисодий фанларни ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш асослари”. *Замонавий таълим / Современное образование* 2016, 9-сон. 30-38 бетлар.
2. Т.Н.Расулов, А.Ш.Рашидов. The usage of foreign experience in effective organization of teaching activities in Mathematics. *International Journal of Scientific & Technology Research*. 9 (2020), no. 4, pp. 3068-3071.
3. А.Ш.Рашидов. Development of creative and working with information competences of students in mathematics. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (2020), no.3, Part II, pp. 10-15.
4. Т.Н.Расулов, З.Д.Расулова. Organizing educational activities based on interactive methods on mathematics subject. *Journal of Global Research in Mathematical Archives*, 6 (2019), no. 10, pp. 43-45.
5. F.Ya.Mardanova, Т.Н.Расулов. Advantages and disadvantages of the method of working in small group in teaching higher mathematics. *Academy*. 55 (2020), no. 4, pp. 65-68.
6. М.Н.Бобоева, Т.Н.Расулов. The method of using problematic equation in teaching theory of matrix to students. *Academy*. 55 (2020), no. 4, pp. 68-71.

Research Support Center (Центр научных услуг) и организаторы не несут ответственности за содержание научных тезисов, включенных в материалы конференции.

Научные тезисы авторов опубликованы на основании рекомендаций членов редколлегии.

Гарнитура “Times New Roman”. Издано в электронном виде.